


**Builders of The Future****LEGAL REGULATION OF DATA PROTECTION OF PHOTO AND VIDEO IMAGE OF A PERSON IN CONDITIONS OF DIGITALIZATION**

*Sanjar Uktamovich Atadjanov*

*Master's student*

*Law enforcement academy*

*Tashkent, Uzbekistan*

**ABOUT ARTICLE**

**Key words:** photo, video, image rights, data protection, copyright

**Received:** 28.02.24

**Accepted:** 01.03.24

**Published:** 03.03.24

**Abstract:** In recent years, the development of the Internet and social networks, and the fact that it has become a place where people spend their time, means that a number of social relations have moved to the Internet. It is true that modern technologies, along with facilitating the human lifestyle, also cause a number of problems. In particular, there are many cases of violations of individual rights, including privacy of personal information, rights to photo and video. In this article, the issues of protection of a person's right to photo and video are scientifically analyzed.

**РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ШАХСНИНГ ФОТО ВА ВИДЕОТАСВИРИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ**

*Санжар Уктамович Атаджанов*

*Магистратура талабаси*

*Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси*

*Тошкент, Ўзбекистон*

**МАҚОЛА ҲАҚИДА**

**Калит сўзлар:** фототасвир, видеотасвир, тасвирга бўлган ҳуқуқ, маълумотларни ҳимоя қилиш” (data protection), муаллифлик ҳуқуқи

**Аннотация:** Сўнгги йилларда интернет, ижтимоий тармоқлар ривожлангани, инсонларнинг асосий вақти ўтаётган маконга айлангани бир қатор ижтимоий муносабатларнинг интернет тармоғига кўчганлигини англатмоқда. Замонавий технологиялар инсоният турмуш тарзини осонлаштириш билан бирга қатор муаммоларни ҳам келтириб чиқараётганлиги ҳақиқатдир. Хусусан, шахснинг айрим ҳуқуқлари, жумладан, шахсга доир

маълумотлар дахлсизлиги, шахснинг фото- ва видеотасвирга бўлган ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатлари кўп кузатилмоқда. Ушбу мақолада шахснинг фото- ва видеотасвирга бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилиш масалалари илмий жиҳатдан таҳлил этилади.

## ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ЗАЩИТЫ ДАННЫХ ФОТО- И ВИДЕОИЗОБРАЖЕНИЯ ЧЕЛОВЕКА В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ

*Санжар Уктамович Атаджанов*  
студент магистратуры  
Академия правоохранительных органов  
Ташкент, Узбекистан

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** фото, видео, права на изображения, защита данных, авторские права

**Аннотация:** В последние годы развитие Интернета и социальных сетей, а также тот факт, что он стал местом, где люди проводят свое время, означает, что ряд социальных отношений перешел в Интернет. Действительно, современные технологии наряду с облегчением образа жизни человека вызывают и ряд проблем. В частности, немало случаев нарушения прав личности, в том числе конфиденциальности личной информации, прав на фото и видео. В данной статье научно анализируются вопросы защиты права человека на фото и видеосъемку.

### КИРИШ

Ахборот технологияларнинг ҳозирги ривожланиш тенденциялари жамият ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий соҳаларида туб бурилиш ясамоқда. Бу жараён шахсий маълумотларни тўплаш, фойдаланиш ва шахснинг розилигисиз учинчи шахсларга тарқатишнинг олдини олишга қаратилган қонун ҳужжатлари яратилишининг аҳамиятини ошириб юборди.

В.П.Иванскийнинг фикрича, рақамли технологиялар ривожланиши туфайли ахборот алмашинуви осонлашди, аммо бошқа томондан эса бундай ривожланиш фуқароларнинг шахсий ҳаётига аралашмаслик принципига таҳдид соладиган янги омилларнинг шаклланишига олиб келди [1].

Н.Пуртованинг илмий тадқиқотларида шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш инсоннинг идентификацияланишига оид технологик ривожланиш, қайта идентификация қилиш ва анонимлаштириш билан боғлиқ масалаларни хавф остида қолдириши таъкидланган [2].

### АСОСИЙ ҚИСМ

Маълумотларни бир неча сония ичида дунёнинг исталган жойига узатишга имкон берадиган, маълумотларни қайта ишлашда автоматлаштирилган тизимларнинг

ривожланганлиги бутун дунё мамлакатлари олдида шахсий ҳаёт дахлсизлигининг конституциявий асосларини такомиллаштириш масаласини қўяди.

Маълумки шахсий ҳаёт дахлсизлигининг бир қисми бу шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилишдир. Шахснинг фото- ва видеотасвирлари шахсга доир маълумотларнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Тадқиқотчи С.Батановнинг фикрича шахснинг фото- ва видеотасвири муаллифлик ҳуқуқининг бир қисми сифатида шахснинг тасвири ҳамда у жойлашган муҳит (фон)нинг уйғунлашган тасвиридир [3]. Яъни С.Батанов фото- ва видеотасвири муаллифлик ҳуқуқи сифатида эътироф этган ҳолда тадқиқ этади.

О.Смирнов эса шахснинг фото- ҳамда видеотасвирини фуқаролик ҳуқуқи нуқтайи назаридан тадқиқ этгани ҳолда, уни битимлар ва бошқа юридик ҳаракатларнинг объекти сифатида баҳолайди [4].

М.Федотов шахснинг фотосурати ва видеотасвири шахсий маълумотлар сифатида таснифланиши мумкин бўлган махсус маълумот туридир деб фикр билдиради [5].

Худди шунга ўхшаш фикрни В.Грибанов ҳам таъкидлаб, бундай тасвирларни шахсни индивидуаллаштириш воситаси деб, шахсни аниқлаш учун ишлатилиши мумкинлигини айтади [6].

Ушбу ўринда тадқиқотчи Л.Лопатинанинг бу масаладаги фикрини ҳам айтишни лозим деб ҳисоблаймиз. Унинг берган таърифига кўра, шахснинг фото- ва видеотасвирлари шахсий дахлсизликка бўлган конституциявий ҳуқуқнинг объекти ҳисобланади. Бизнингча бу фикрга ҳам тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Чунки бундай тасвирлар шахсга доир маълумотларнинг бир қисми ҳисобланади. Бугунги кунда шахсга доир маълумотларнинг шахсий дахлсизлик таркибидан ажралиб чиққан алоҳида ҳуқуқ сифатида эътироф этилаётганлигини кўришимиз мумкин.

Шахснинг маълумотлари, унинг шахсий ҳаёти масаласи бир қатор тадқиқотчилар томонидан таҳлил қилинган масала бўлганлиги сабабли шахснинг фото- ва видеотасвири тушунчасига турли хил фикрлар билдирилганлигини, фото- ва видеотасвир тушунчаларига нисбатан ягона ёндашув мавжуд эмаслигининг гувоҳи бўлдик.

Шу сабабли ушбу тушунчаларга қуйидагича муаллифлик таърифи беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

**Шахснинг фото- ҳамда видеотасвири** – бу шахснинг шахсига доир, биометрик (генетик) ёки махсус маълумотларини ўзида акс эттирувчи рақамли технологиялар орқали яратилган электрон тарзда, қозғоғда ва (ёки) бошқа моддий жисмда қайд этилган шахсга доир маълумотнинг бир қисмидир.

Ушбу таърифдан ҳам кўриш мумкинки, рақамли технологиялар ривожланиши билан шахсга доир маълумотлар дахлсизлиги ҳуқуқининг бузилиши ҳоллари кўп учрамоқда. Ҳаттоки дунёнинг айрим етакчи мамлакатларида ҳам рақамли технологияларнинг ривожланиши билан ҳамоҳанг тарзда шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқини таъминловчи механизмлар яратилмасдан қолмоқда. Шунингдек, мавжуд қонун ҳужжатларида шахсий ҳаёт дахлсизлигини таъминлаш устидан самарали назорат механизми ўрнатилмаганлиги натижасида шахс ҳуқуқлари етарлича ҳимояланмай қолмоқда.

Шунингдек, П.Охм [7], Л.Суини [8], П.М.Шварц ҳамда Д.Й.Соловелар илмий ишларида [9] маълумотларни қайта ишлаш технологияларининг ривожланиши ва таҳлил қилиш учун мавжуд бўлган маълумотлар миқдори ҳаддан зиёд ошиб кетиши натижасида шахсий маълумотларни қайта ишлашда анонимлик муҳим эҳтимолини таъкидлашган.

А.С.Мордовец шахсий маълумотларни қайта ишлашда шахсий ҳаёт дахлсизлигига бўлган конституциявий ҳуқуқий кафолатларни икки гуруҳга ажратади:

- а) шахсий маълумотларни ошкор қилишдаги дахлсизлик кафолатлари;
- б) шахсий маълумотлар ошкор қилинмаслигидаги кафолатлар [10].

Албатта, юқорида илмий ишлари қайд этилган олимларнинг шахсий ҳаёт дахлсизлигини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича билдирган фикрлари ҳамда илмий қарашларида замон воқелиги ва ахборот технологияларининг жадал ривожланиши, шахснинг шахсий ҳаётида ҳам, давлат ва жамият билан муносабатларида шахсий маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш муносабатлари тўлақонли инobatга олинмаганлигини кузатиш мумкин.

Рақамли технологияларнинг ривожланиб бориши билан шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш зарурати ҳам ортиб бормоқда. Амалиётга эътибор қаратадиган бўлсак, жуда кўп ҳолатларда шахснинг хоҳишсиз унинг фотосуратлари ёки видеотасвирлари ижтимоий тармоқларда тарқалмоқда. Биргина фуқаролар томонидан ҳуқуқбузарликларга, жамиятда юриш-туриш қоидалари бузилишига ва бошқача ғайриижтимоий ҳаракатларга нисбатан фаол фуқаролик позицияларини намоиш этиш асносида ёки шунчаки кўнгилхушлик ва ҳазил-мутойиба мақсадида шахснинг шахсий маълумотлари бўлган фото- ва видеотасвирлари рухсатсиз қўлга киритилиши, ижтимоий тармоқларда тарқатилиши ва муҳокама қилиниши оддий ҳолга айланиб бормоқда.

Тўғри айрим ҳолатларда тасвир эгаларининг қилган ҳаракатлари одоб-ахлоқ қоидаларига тўғри келмас, лекин унинг шахсий ҳаёти, шахсга доир маълумотлари ҳимояси давлат томонидан конституция ва қонунлар билан муҳофаза қилинган. Бундай ўзбошимчалик ва ўзгарларнинг шахсий ҳуқуқларига беписандлик ҳолатлари жуда ҳам кўп учраши кишини хавотирга солади. Шу сабабли қонунчиликдаги кафолатларнигина такомиллаштириш билан

чекланиб қолмасдан, амалиётни ҳам такомиллаштиришга оид таклифларни илгари суриш лозим.

Шахсинг фото- ҳамда видеотасвирларини ҳимоя қилиш бўйича алоҳида қонун ёки қонуности ҳужжатлари мавжуд бўлмай, балки бундай маълумотларнинг ҳимояси ҳам умумий тарзда шахсга доир маълумотлар дахлсизлиги сифатида ҳуқуқий жиҳатдан қафолатланган.

Олиб борилган тадқиқотларимиздан келиб айтишимиз мумкинки, бизнингча, шахсий маълумотлар дахлсизлиги ҳуқуқининг қафолатлари қуйидагиларни ўз ичига олади: ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳуқуқи, бузилган ҳуқуқларни тиклашнинг институционал асосларининг самарали фаолияти, зарарни қоплаш механизмнинг тўлақонли ишлаб чиқилганлиги, жавобгарликка тортиш механизмнинг йўлга қўйилганлиги, ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг турли шакллари (маъмурий, процессуал), тартиб-таомиллари тўлиқ ишлаб чиқилганлиги.

Рақамли технологиялар даврида шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш соҳасидаги миллий қонунларни ишлаб чиқишда шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича миллий қонунлар шахсларнинг маълумотлари доирасини аниқлаб олиши долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Тадқиқотчи Т.Диневнинг фикрига кўра, давлат органлари томонидан шахсий маълумотлар олиниши мумкин бўлган ҳолатлар қонунчиликда акс эттирилиши лозим. Бунда шахсга доир маълумотлардан фойдаланаётган давлат ташкилотларига ўзларининг институционал вазифаларини бажариши учунгина шахсий маълумотларга ишлов беришга рухсат берилиши мумкин [11].

Фикримизча, қайта ишланган шахсий маълумотлар, шунингдек, технологик янгиликлар, уларнинг табиати ва қайта ишлашнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тегишли хавфсизлик чораларини кўриш орқали бундай хавфлар пайдо бўлишининг олдини олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай қонунчилик ҳужжатларида шахсий маълумотларнинг манбаси, қайта ишлашнинг мақсадлари ва усуллари ҳақида ахборот олишга, шахсинг маълумотларни янгилаш, тузатиш ёки бирлаштириш, ноқонуний қайта ишланган маълумотларни, шу жумладан, уларни тўплаш ёки кейинчалик қайта ишлаш мақсадлари учун сақланиши керак бўлмаган маълумотларни ўчириш, анонимлаштириш ҳақидаги маълумотларни олишга бўлган ҳуқуқлари мустаҳкамланиши лозим.

Маълумотларни ҳимоя қилишга қаратилган дастлабки тушунчалар Германия қонунчилигида учрайди. Жумладан, “Datenschutz” атамасидан “маълумотларни ҳимоя қилиш” (data protection) бошқа давлатларнинг қонунчилигида ўз аксини топа бошлаган [12].

Шахснинг тасвирга бўлган ҳуқуқлари бузилганлиги учун жавобгарликни белгилаш билан фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқлари тикланишига тўлақонли эришиб бўлмаслигини амалиётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Хусусан, суд амалиёти таҳлиliga кўра, айрим ҳолларда фуқаролар томонидан ўзганинг розилигисиз у ҳақидаги маълумотни (шу жумладан фото, видеоматериални) Интернет ахборот тармоқларига жойлаштиришнинг ҳуқуқий оқибатини тушунмаганлиги, қилмишидан пушаймонлиги, бу каби ҳуқуқбузарликни биринчи маротаба содир этаётганлиги, ўзига тегишли хулосалар чиқарганлиги ҳақида берилган кўрсатмалар инобатга олиниб, судлар томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 21- моддасига (Ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли маъмурий жавобгарликдан озод қилиш) асосан ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, уни огоҳлантириш билан кифояланиш ёки суриштирув органлари томонидан йўл қўйилган хатолар сабабли МЖТКнинг 271-моддаси биринчи қисмига асосан маъмурий иш юритишни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинмоқда.

Албатта ушбу ҳолатга салбий тенденция сифатида қараш фикридан йироқмиз, бироқ фуқароларда ўз шахсий ҳуқуқларини тўлақонли ҳимоя қилиш ва бузилган ҳуқуқларини тиклашнинг альтернатив чоралари таъминланишига эришиш, қолаверса хорижий давлатлар (Россия, Қозоғистон) қонунчилиги таҳлилидан келиб чиқиб, қуйидагилар **таклиф қилинади:**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 8-боби (Номоддий неъматлар)ни **янги 100<sup>1</sup>-модда** (Фуқаронинг тасвирга бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилиш) билан тўлдириб, **унинг биринчи қисмида** қуйидагиларни назарда тутиш:

фуқарони тасвирга (фото суръатга, видеоёзувга олиш ва санъат асарига тасвирлаш) олиш ва унга ишлов беришга ушбу тасвир эгасининг розилиги билангина йўл қўйилиши, шунингдек вояга етмаганларни тасвирга олиш ва улардан фойдаланиш уларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар, вафот этган шахснинг тасвиридан фойдаланиш унинг яқин қариндошларининг розилиги билан йўл қўйилиши.

Бунда, фуқарони тасвирга олишга ва тасвирдан фойдаланишга розилик олиш оддий ёзма шаклда ёки бундай розилик олинганлигини тасдиқлаш имконини берувчи бошқача шаклда (масалан, тасвирга олиш жараёнида оғзаки сўровга қаршилик билдирилмаганлигини тасдиқловчи маълумот бўлса) амалга оширилиши лозимлиги;

қуйидаги ҳолатларда фуқаронинг тасвиридан унинг розилигини олмасдан фойдаланишга йўл қўйилиши:

тасвирдан жамият ва давлат манфаатларида фойдаланишда (ҳуқуқбузарлик ҳолатини қайд этиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, фавқулодда ҳолатларда);

фуқаронинг тасвири жамоат жойларида ва оммавий тадбирларда амалга оширилган тасвирга олиш ишлари давомида олинган бўлиб, олинган тасвирдан фойдаланишнинг асосий объекти ҳисобланмаса (яъни, умумий фонда акс этган бўлса);

**ушбу модданинг иккинчи қисмида** муомалага киритиш мақсадида, шунингдек муомалада бўлган мазкур модданинг биринчи қисмида кўрсатилган талаблар бузилган ҳолда тайёрланган фуқаронинг тасвири туширилган моддий жисмлар суднинг қарорига асосан муомаладан чиқарилиши ва компенсация тўловисиз йўқ қилиб ташланишини назарда тутиш;

**ушбу модданинг учинчи қисмида** агар мазкур модданинг биринчи қисмида кўрсатилган талаблар бузилган ҳолда олинган ёки фойдаланилаётган фуқаронинг тасвири Интернет ахборот тармоғида тарқатилган бўлса, тасвир эгаси бундай тасвирни йўқ қилиш, шунингдек унинг кейинчалик такроран тарқатилишини тақиқлашни талаб қилиши мумкинлигини белгилаш.

### ХУЛОСА

Шунингдек, шахс интернет ёки ижтимоий тармоқларга фото- ва видеоматериалларини жойлаш вақтида кейинчалик ушбу материалларни бошқа шахслар кўчириб олиши, саклаб олиши ёки тарқатиши учун рухсат бериши ёки бермаслиги тўғрисидаги шартни киритиш лозим. Чунки агар шахс ўзи бундай маълумотларни сакланиши ёки қайта ишланишига розилик берадиган бўлса унинг натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларда ўзининг ҳиссаси мавжуд бўлади. Бундай шартни ушбу интернет нашрлари, ижтимоий тармоқлар Ўзбекистонда фаолият юритиши учун қўйиладиган шартлар қаторига киритиш лозим.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. В.Иванский Персональные данные как основной объект посягательств на неприкосновенность сферы частной жизни: законодательный опыт в зарубежных государствах //Административное право и процесс. – 2012. – №. 8. – С. 50-56. <https://center-bereg.ru/h435.html>
2. N.Purtova The law of everything. Broad concept of personal data and future of EU data protection law //Law, Innovation and Technology. – 2018. – Т. 10. – №. 1. – S. 40-81. <https://www.tandfonline.com/doi/pdf/10.1080/17579961.2018.1452176?needA>
3. Батанов С.А. Информационное право: учебник. – М.: Юристъ, 2007. – С. 435.
4. Смирнов О.В. Гражданское право: учебник. – М.: Волтерс Клувер, 2008. – С. 289.
5. Федотов М.А. Право на неприкосновенность частной жизни: проблемы теории и практики. – М.: Юристъ, 2006. – С. 152
6. Грибанов В.П. Личные права и свободы человека: учебник. – М.: Проспект, 2011. – С. 234.



7. P.Ohm Broken promises of privacy: Responding to the surprising failure of anonymization //UCLA L. Rev. – 2009. – T. 57. – S. 1701. [https://www.uclalawreview.org/pdf/57-6-3.pdf?source=post\\_page](https://www.uclalawreview.org/pdf/57-6-3.pdf?source=post_page)
8. L.Sweeney Simple demographics often identify people uniquely //Health (San Francisco). – 2000. – T. 671. – №. 2000. – S. 1-34. <http://ggs685.pbworks.com/w/file/fetch/94376315/Latanya.pdf>
9. P.Schwartz, D.Solove The PII problem: Privacy and a new concept of personally identifiable information //NYUL rev. – 2011. – T. 86. – P. 1814. [https://scholarship.law.gwu.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=2089&context=faculty\\_publications](https://scholarship.law.gwu.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=2089&context=faculty_publications)
10. A.Мордовец Социально-юридический механизм обеспечения прав и свобод человека и гражданина как правовая категория и конституционно-правовая ценность //Конституция Российской Федерации: 20 лет спустя. – 2014. – С. 21-22.
11. T.Dinev et al. Internet Users, Privacy Concerns and Attitudes towards Government Surveillance-An Exploratory Study of Cross-Cultural Differences between Italy and the United States //BLED 2005 Proceedings. – 2005. – S. 30. <https://core.ac.uk/download/pdf/301348069.pdf>
12. S.Simitis Data protection and research: A case study of control //The American Journal of Comparative Law. – 1981. – S. 583-605.